



Баъзида инсон хаётига ўзи кутмаган холатда, юлдузли даврлар кириб келаркан ва бу давр ўзининг нурафшонлиги, омадбахшлиги, саодатмандлиги билан киши хотирасида, тақдирида ўчмас из колдираркан.

90-йиллар бошида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Куръони Каримнинг таржимаси хусусида бир неча бор муҳокамалар бўлиб ўтди ва уни таржима қилиш атоқли арабшунос олим Алоуддин Мансурга топширилди. Алоуддин Мансур номзодини, ўша пайтда Ёзувчилар уюшмасида биз билан бирга хизмат қилувчи адабий маслаҳатчи, олим Анвар Турсун кўтариб чиққан ва бу тақлифни шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, академик Алибек Рустамов, Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги Раиси Одил Ёқубовлар қўллаб-қувватлаган эди.

Таржима “Шарк юлдузи” журналида бобма-боб чоп этиладиган бўлди.

Таржима жараёни икки йилга чўзилди. Менинг қўшган қичкинагина хиссам шунда эди-ки, таржима қилинган қисмларни Корасув шахридан келтиришда қўмақлашар, қўлёзма холатидан машинка ёзуви холатига ўгиришда қўлим тегиб, шу бахонада домланинг сўхбатларига мушарраф бўлардим.

Таржима, миллий ва маънавий ҳаётимиз тарихида инқилоб бўлди ва у истиклолимиз эришган энг катта ютуқлардан бири сифатида эътироф этилди.

Улкан дарё суви миллион-миллион аҳоли яшовчи шахар ҳаётига сингиб, турмуш тарзини обод қилганида, фаровонлик келтирганида, уларнинг барини бирма-бир ёзиб, таърифлаб бўлмаганидай, бу таржиманинг оламшумул хусусиятини, юртдошларимизни Каломуллох мазмуни билан ошно қилишдаги буюқ хизмати таърифлашнинг имкони йўқ.

Аллома Алоуддин Мансур, замонамизнинг Абу Хомид Газзолий сингари етук олими экан. Истиклол шабадаси эндигина эсаётган ўша йилларда, мустабид тузум келиб-кетувчи ёвуз мафкуралар захри инсон шахси, ақлу-заковатини емиришга қанчалик ўткир тиг билан йўналтирилмасин, Худо асраган кишилар омон қолиши ва ўзбек миллати ўз буюқлигини ҳеч қачон йўқотмаслигига, мана шу инсон сиймосида яна бир бор иқроп бўлгандим.

Журналистлигимга бориб, ўша йиллар домладан эшитган жавохир сўзларни ён дафтаримга ёзиб олган эканман, эндиликда уларни омонат сифатида, сизларга тақдим этмоқдаман. Зеро, олмос йиллар ўтса ҳам ўз қийматини йўқотмайди ва улар сизнинг қўнғил мулкингиздаги дурдоналар бўлиб қолишига умидворман.

**Муҳаммад Исмоил**

\*\*\*

“Олим ёки толиби илм, олимларни тингловчи ёки илмни суювчи бўлинг. Илмнинг душмани бўлишдан сакланинг, акс холда халок бўласиз, - дегандилар пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом. Худди шунингдек инсон хар канча шаккок бўлмасин, вужудида яратганга иймон келтириш хисси борлигини доимо сезади. Бу туйгусиз у халок бўлишини хам билади. Энг мухими бу туйгуни йўкота олиш инсоннинг кўлидан келмайди. Пайгамбаримиз самога бокиб, ”шундай анвар юлдузларни яратиб кўйган Аллохга нега одамлар иймон келтирмайдилар-а, - дея йиглаган эканлар. Юлдузларни одамлар йўкотолмаганларидек, калбларидаги Аллохга бўлган иймонни хам йўкотаолмайдилар. Факат, бугунги куннинг фожеаси биз ўз кўнглимиздаги иймонга эътиборсиз бўлиб колган эдик.

\*\*\*

Авалло Куръонни факат бир адабий асар деб караш тўғри эмас. Бу илохий Китоб Тангрининг борлигига иймон келтирган кишига биринчидан Яратганнинг кандай зот эканини танитади, сўнгра инсонга инсоннинг ким эканини, бу дунёга нима учун келганини, зиммасида кандай вазифалар борлигини ва яратган билан кандай алока боглаши кераклиги, ўзи каби яралганлар, яъни атрофидаги олам билан кандай муомала килиши лозимлиги... киска килиб айтганда кандай килиб, инсон ўзининг нисбатан киска умрини хакикий инсондай яшаши зарурлигини ўргатади. Шунинг учун хам бу Китоб мана 1400 йилдирки, дунёнинг хамма томонларида тиловат килиниб келмокда. Жахонда уни ўкимаган миллат, У таржима килинмаган тил йўк хисоби. Бизнинг аждодларимиз хам уни яхши билишган, ўкиб амал килишган. Лекин афсуски неча ўн йилардан буён халкимиз бу илохий асардан бебахра яшади. Унинг на ўзини, на таржима тафсирларини ўкиш имкониятига эга бўлди.

Хайрият бугунга келиб шоир айтмокчи:

Шукрим, ўтди жахолат даври, уйгонди жахон.  
Эл эшитгай нени билсанг айт, хакикатдан гапир.

\*\*\*

Куръонни ким томонидан кайси тилга таржима килинмасин унинг аслидек бўлмаслиги аниқдир. Чунки ундаги хар бир оят, хар бир калима, балки хар бир харф шу кадар топиб айтилиб, ўз ўрнига кўйилганки, бундай айтиш факат Яратганнинг кўлидан келади, холос. Бу даъвойимизга Куръон нозил бўлган даврда юз берган бир воқеа далил бўлса керак: Мухаммад алайхиссалом замонларида араб оламида адабиёт ниҳоят даражада ривожланган бўлиб, адиблар орасида тез-тез мусобакалар ўтказилиб турилар ва голибларнинг асарларини Каъба деворларига илиб кўйишар эди. Кунлардан бир куни сахоба (яъни, пайгамбаримиз билан хамсухбат бўлган мусулмон)лардан бири Куръондаги энг кичик сура бўлган “Кавсар” сураси ёзилган варақни голиб асарлар ёнига илиб кўяди. Шунда бу сурани ўкиган шоирлар бир овоздан “Бу башар сўзи эмас”, деб гувоҳлик берадилар. Шунинг учун уламолар Куръонни аслидек килиб таржима килиш мумкин эмас деб хисоблайдилар. Мен хам Куръоннинг ушбу ўзбекча таржимаси факат Куръон томонга бир кадам деб бахоланиши лозим деб биламан.

\*\*\*

Дархакикат Куръонда “Бу эслатмани (яъни Куръонни) Биз ўзимиз туширганмиз ва уни ўзимиз саклагувчимиз” мазмунидаги оят мавжуд. Асрлар оша мазкур оят Куръоннинг илохий Китоб эканини кайта-кайта исботлаб келмокда. Ўтмишни кўйиб турайлик, мана шу охирги асрда бу азиз Китобга карши канчадан-канча хуружлар бўлмади? Уни ўтга ёқдилар, дарёларга окиздилар, кабрларга кўмдилар. Бугина эмас. Яна Куръонни ёд олган, ёки хаётини шу илохий китоб асосида ўтказмокни истаган миллионлаб кишиларни йўқотиб юборишди. Кейинчи? Кейин бошка миллионлар кўлларида, тилларида ва дилларида бир харфи ҳам захаланмаган шу азиз Китоб билан пайдо бўлдилар. Ислом таълимотига кўра Куръон илохий китобларнинг сўнггисидир. Бинобарин уни то киёматгача йўқотмай, бузмай саклашни Тангри ўз зиммасига олган. Шу боисдан бошка илохий китобларга ўзгаришлар кириб, бузилгани холда (масалан, Инжилнинг 70 дан ортик таржималари бор, лекин асл нусхаси ҳеч қаерда мавжуд эмас) Куръон Пайгамбар алайхиссаломга қандай нозил қилинган бўлса шундай сакланмокда. Бу тўғрида япон олимлари жуда кизик тажриба ўтказдилар:

XX – аср мўъжизаси бўлган компьютер воситасида Куръондаги харфлар, калималар, оятлар ва суралар ўртасидаги юксак муносибликни ва теран изчилликни, ҳамда унда камраб олинган мавзулар ва амри-фармонларнинг ўлмас-ўчмас эканини кўриб улар бу китобни бир киши эмас, бутун бир академия ҳам ёзиши амри-махол деган хулосага келганлар ва бу тажриба хақида битилган рисоаларида адолатли бир фаразни ўртага ташлаганлар: “Бизнинг асримиздаги айрим одамлар шу қадар тошбагир бўлиб кетганларки, хатто темир машина текшириб, исботлаб, иймон келтириб турган китобни ҳам инкор қиладилар”.

\*\*\*

Эътикод нафакат кўнгил ободлиги, балки ҳар икки дунёнинг ободлигидир. Зотан илму-фан раванкининг ўзи инсониятни бахтли қилаолмайди. Билъакс эътикоддан айру тушган илм одамзодни бахтсизлик – ҳалокат ёқасига олиб бориб кўйиши тайиндир. Дунёдаги бор илму-фалсафалар ақлни тўлдиради, аммо кўнгилга озуқа беришга кодир эмас. Дилни фақат пок эътикод обод қилади. Яъни эътикодсиз дил-хароб бўлган дилдир. Инсоннинг зиммасида ақлидан кўра калбининг ҳаққи кўпроқдир. Инсоннинг тириклигини билдириб турадиган нарса ҳам унинг калбидир. Зеро сиз дам олганингизда миянгиз ҳам дам олади. Уни баъзан каттиқроқ, баъзан эса секинроқ ишлатишингиз мумкин. Аммо бу беором калб дунёга келганингиздан кетгунингизча билсангиз-билмасангиз, истасангиз-истамасангиз тинмасдан уриб-ишлаб туради. Демак ИНСОН деган оламнинг маркази - пойтахти калб бўлиб, уни пок эътикод билан обод қилмок бурчдир. Ажабки, эътикод нопок дилларга сигмайди – худди шўр ерда гул унмагандек! Ажабки кўпинча ўша шўр диллар тоза кўнгиллар устидан, уларнинг эътикодлари устидан куладилар – эътикодсизлик эътикоддан устун бўлиб олади. Лекин шундай қора кунларда ҳам юксак эътикод эгалари иймон-эътикодсиз яшагандан кўра ўз эътикодлари йўлида қурбон бўлишни шараф деб биладилар. Бунга тарихдан истаганча мисол топиш мумкин. Мана масалан Октябрь инқилобидан кейинги сургун ва қиргинларда канчадан-канча улуг зотлар ўз эътикодлари сабабли шахид бўлдилар. Қўқонлик бир фозил мўйсафиднинг хикояси орадан йигирма беш йилдан ортик вақт ўтса ҳам кечагидек қулогим остида эшитилаверади: 20-йилларда солдатлар кунда-кунора уламо ва фузалоларни шахар четидаги бир жарлик ёқасига олиб-келиб отишар, улар

кетганидан кейин, одамлар кўрка-писа келишиб шаҳидларни чуқурдан тортиб чиқиб кабристонга олиб бориб кўмишар эди. Биз болалар пана-пасткам жойларга яшириниб бу дахшатни томоша қилардик. Бир куни уч-тўрт кишини олиб келишиб, командир энди отишга буйруқ бермокчи бўлиб турганида узокдан бир киши кўринди ва шошиб шу тарафга қараб кела бошлади. Афтидан кўконликка ўхшамас эди. Яқин келгач жар ёқасига тизиб кўйилган кишиларни кўрсатиб солдатлардан “Булар кимлар”? – деб сўради. Командир “Булар рухоний, диндор унсурлар бўлгани учун отувга ҳукм қилинганлар. Агар жонингдан умидинг бўлса йўлингдан қолма” деб дўк-пўписа билан жавоб қилди. Шунда халиги киши, “Ундай бўлса шошмай турунлар” – деб ўзи ҳам жар ёқасига, махбуслар ёнига бориб турди ва деди, - Мана энди отинлар. Сал кечиксам мен ҳам булар билан бирга кетмай, сенлар билан қоларканман”.

Мана шу хикояни эшитганимдан буён буюқ туркигўй адиблар – Абдуллох Кодирӣ, Абдулхамид Чўлпонларнинг ўлими ҳақида ўйлайман, уларнинг ночор, ноилож ўлиб кетганлар деган фикрни ҳеч қабул қила олмайман. Назаримда улар ўзгалар тирик қолиши учун ҳар қандай разолатдан қайтмаётганларини кўриб турсаларда эътиқоддан кечиб яшайдиган ҳаётни ўз ихтиёрлари билан ташлаб, пок эътиқод билан шаҳид бўлишни ўз ихтиёрлари билан танлаб олганлар. Ва адашмаганлар. Зотан бу ҳаёт нақадар ширин, нақадар тотли бўлмасин эътиқоддан кечиб яшашга арзийдиган даражада қимматбаҳо эмас.

\*\*\*

Оёғи ердан узилган одам жисман ҳалок бўлса, қалби осмондан узилган одам – эътиқоддан кечган одам рухан ҳалок бўлади. Ҳақиқий осмондан ажраб қолган одам назаримда иссиқхонада – сохта осмон остида ўстирилган ўсимликка ўхшайди – на мазаси бор, на хиди. Чунки жон инсоннинг ҳеч қачон ўлмайдиган асли-моҳияти, жасад эса бир муддат қийиб юрилиб, эскириб, ярқисиз ҳолга тушгач ечиб қўйиладиган қийим қаби нарсадир. Шунинг учун ҳам баданингизнинг бирон аъзоси қасалланса, қесилса ё шилинса ўша аъзо эмас, балки жонингиз оғрийди. Мана шу аён ҳақиқатдан кўз юмган киши адашади.

Ҳаёт нақадар оғир, нақадар аччиқ бўлмасин арзир-арзимас сабаб-баҳоналар билан кечиб юборилаверадиган даражада арзон матоҳ эмас!

\*\*\*

Шундай ривоят ҳам бор:

Ийсо хаворийларга “мол-дунё топиш ҳаром” дедилар. Улардан бири «Нима сабабдан», - деб сўради. “Чунки мол-дунё одатда ҳаром йўл билан топилади” деди Ийсо. – “Агар ҳалол йўл билан топилса-чи?” – деб сўралди.

- У ҳолда ҳаром ишларга сарф қилинади”.

- “Агар ҳалолдан топиб, ҳалолга сарфланса-чи?”

- “Барибир ҳаром – деди Ийсо – чунки ўша ҳалолдан топиб, ҳалолга сарфлаб юрган вақтингда Танрига ибодат қилишдан қоласан”.

Ислом динида эса бу масалага кенгрок қаралади. Масалан пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларга шундай деганлар: “Бу дунё деб охиратидан кечган киши ҳам, охират деб дунёсидан кечган киши ҳам сизларнинг яхшигиз эмас. Балки ҳар иккисидан баҳрманд бўлган киши яхши кишидир”. Ислом ўша ҳалол меҳнат билан дунё топиш ва уни

халол ишларга сарф килишни мухим ибодатлардан деб ҳисоблайди. Бу динда одам Тангрининг ердаги халифаси саналиб, дунёни обод, фаровон килиш хаммининг зиммасидаги бурч деб каралади. Ислому "Дунё топиш харом эмас, балки дунёга кул бўлиб қолиш харом", дейди. Шунингдек ислом бировнинг ҳақидан ҳазар килишга буюради. Бунинг ибратли мисолларидан бири Пайгамбар алайҳиссалом вафот қилганларида бир кўйлақларини бола-чақаларининг нафақаси учун бир яҳудийга ярим коп арпага кўйиб қетганларидир. Холбуки ислом давлатининг ҳазинаси у пайтда олтин қумуш билан тўла эди. Аммо у зот бу ҳазина фуқаронинг ҳақки деб қўл теккизмаганлар.

\*\*\*

Бутун Ер шари одамлари исломга кириб, ҳаммаёқ исломобод бўлиб қетса ҳам, Аллохнинг буюклик сифатига заррача сифат қўшилиб қолмайди, ёки аксинча, ҳамма диндан қайтиб, Ер юзининг барча инсонлари жаҳолат ботқоғига ботса ҳам, Аллохнинг буюклик сифатидан мисқолчалик қамайиб қолмайди. Ким номоз ўқиса ўзи учун ўқийди, ҳаётини тиклаш, саодатли яшаш, қиёматдаги мушқулотларини осон қилиш учун ўқийди. Унинг тўғри йўлдан юриб топган ҳидоятига Аллох мухтож эмас, ўша банданинг ўзи мухтождир.

\*\*\*

Бизнинг ақлимиз ҳам Ерга ўхшайди. Ер шўрхоқ, қаттиқ ва қуруқ бўлса, экин униб чиқмаганидай, ҳидоят озукаси билан ақлга ишлов бериб турилмаса, ундан яхши фикрлар униб чиқмайди.

\*\*\*

Ислолда мартаба илмига қараб белгиланади. Мабодо, 13 яшар бола 70 яшар кишидан кўра тўғрироқ, қироати қомилроқ ўқиса, бемалол имомликка ўтавериши мумкин.

\*\*\*

Одамнинг бошига ҳар қуни уйқунинг қелиши, ўлимнинг ҳар қун қелишидир. Одам уйқуга қетганда ўлим диёрига борар, уйғонганда қайтиб қеларкан. Худо, охирагани эслатиш учун, ўлимни эслатиш учун, уйқуни чиқарган.

\*\*\*

Олим, ҳалоллик, тўғрилиқ, ҳаққўйлик билан илм тўпласа, унинг қурган бу иморати – масжидга ўхшайди.

\*\*\*

Одамлар кўрсин деб, ўқилган намоз,  
Уларга қилинган саждадир, ҳолос.

\*\*\*

Ер юзидаги хамма олиму-уламоларнинг ёзганлари, хатто Куръонга килган тафсирлари, Куръоннинг бир сатричалик кудратга эга бўлмайди.

\*\*\*

Мусулмон одамнинг мусулмончилигининг биринчи белгиси, шукур килишидадир.

\*\*\*

Дуо – ибодатнинг илигидир.

\*\*\*

Куръон билан Куръоннинг таржимаси орасидаги фарк Ер билан Осмончаликдир. Буюк Аллох ва гунохкор банда орасидаги фарк канча катта бўлса, Куръон ва унинг таржимаси орасидаги фарк шунча каттадир.

\*\*\*

Хатто Ислом давлатини кураман дея жахд килиш хам, бир манфаатни кўзлаб килинадиган ҳаракатдир. Хакикий мусулмон ҳеч қандай манфаатни кўзламай, холис ният билан Аллох ризолигига эришаман деб, ният килсагина, у хакикий мусулмон бўлади. Банда холис ният килмас экан, бирор манфаатни кўзлар экан, у хатто Ислом давлати курган бўлса хам, заррача савобга эришолмаслиги, Аллох ризолигига етишолмаслиги мумкин.

Ва аксинча, у Аллох розилиги учун ва фақат Аллох учун мисколча савоб иш килса, киёмат куни тоғчалик магфиратга эришиши мумкин.

\*\*\*

Мисол учун, итни биров туртса, осмонга қараб увиллар, ўзига етган жабр учун, Аллохга шикоят қилар экан. Буни биров унга ўргатмаган, буни унга Аллохнинг ўзи ўргатган.

\*\*\*

Баъзи бир одамлар намоз пайти ўзларини сувга тушган баликдек эркин тутадилар ва роҳатланиб намоз ўқийдилар. Баъзилар эса, қафасга тушган қушдек, бетокат бўладилар.

Биз намоздан олдин ўзимизни қайси тоифага мансублигимизни текшириб олайлик.

\*\*\*

Раҳимдиллик – инсондаги энг қимбатлардан биридир. Бу туйғуси шаклланмаган инсон, ҳайвондан хам пастрок даражага тушиб қолиши мумкин. У Аллохдан энг узоқда турган инсондир.

\*\*\*

Онанинг ўз фарзандига меҳри канчалик беътама бўлмасин, Аллохнинг ўз бандасига меҳри ундан минг чандон беътама ва покрокдир.

\*\*\*

Пайгамбаримиз ўз хаётлари давомида хамиша биринчи бўлиб салом берганлар ва бутун умрлари мобайнида у киши алик олган ҳолат юзага келмаган.

\*\*\*

Ибодат килиб юрган дўпписиз одам, дўппи кийиб ибодат қилмайдиган одамдан минг бора афзалдир.

\*\*\*

Мусулмон одам динидан айрилган захоти, хотинига талок тушади.

\*\*\*

Ким кимдан кўркса, ўшанга банда бўлади.

\*\*\*

Пайгамбаримизнинг саҳобалари 124 минг нафар бўлган экан. Саҳобалик шу қадар юқсак мақомки, ислом йўлидаги мингта вали, мингта муфтийнинг даражаси битта саҳобаникига тенг келолмайди.

\*\*\*

Имом Аъзам Раҳматуллоху алайх етти минг марта Қуръонни хатм қилган эканлар. Етти минг марта Қуръонни хатм қилиш – бу муттасил йигирма йил давомида ҳар куни бир бор тик туриб Қуръонни тўлалигича ўқиш демақдир.

\*\*\*

Қуръон кишига қувват беришини шунда ҳам қўриш мумкинки, Имом Аъзам, хаётларининг сўнгги ўттиз йилида бирор марта оғизлари очик бўлмаган ва 83 минг масалани айтган эканлар.

\*\*\*

Хаётимизнинг энг қимматли, энг гўзал дақиқалари дунё бўйлаб қилган сайру-саёҳатлар, боғу-роғлар, ресторанлардаги чоғларимизда эмас, жойнамоз устидаги онларимиздадир. Биз ҳеч қачон жойнамоз устидагидай азиз бўлмаймиз.

Ибодат - фаришталарнинг юмушларидандир.

**Мухаммад Исмоил**